



O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI
ABLİYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 905-6
2019 yil 19 avgan



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ ҚАРОРИ

Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар
тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳакида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-сон (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 5-сон) билан тасдиқланган Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилисин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Тошкент ш.,
2019 йил 10 август
18/6-сон

000103

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 10 августдаги
18/6- сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1.5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1.5. Банкнинг кредит сиёсати банк Кенгаши томонидан йилига камида бир марта тегишли йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда кайта кўриб чиқилиши керак.

Йил давомида заруратга кўра кредит сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Агар кредит сиёсатининг аксарият қисмига (50 фоиздан кам бўлмаган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган бўлса, бунда кредит сиёсатини янги таҳрирда қабул килиш мақсадгага мувофик.”.

2. Қўйидаги мазмундаги 1.5¹-банд билан тўлдирилсин:

“1.5¹. Банкнинг кредит сиёсати, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки унинг янги таҳрири банк Кенгаши томонидан тасдиклангандан сўнг 15 кун ичида Марказий банкка тақдим этилиши керак.

Банк Кенгаши томонидан банкнинг кредит сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида Марказий банкка Кенгашнинг мажлис баёнидан кўчирма тақдим этилади.”.

3. 2.3-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Кредит сиёсати банкларга тақиқловчи қўйидаги қоидаларни ўз ичига олиши керак:
жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар (карзлар) бериш ва кредитлар (карзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада хисобга олиш;

илгари олинган кредитлар (карзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш.”.

